

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов
Баённома №___ 2017 йил ___ май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-313 гуруҳ талабаси

Эшмаматов Илхомнинг

**«Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд молиявий
ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда
инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўллари
(Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлими маълумотлари
бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: Ахтамов И. –
Самарқанд вилоят ҳокимлиги
молия бошқармаси бошлиғи
муовини**

**Илмий маслаҳатчи:
и.ф.н. Хусанов Б.Ш.**

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Иқтисодий ўсишни таъминлашни характерловчи молиявий механизмлар	
1.1. Иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий манбаларнинг аҳамияти.....	9
1.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция фаоллигини ошириш йўналишлари.....	19
1.3. Иқтисодий ўсишни молиявий манбаларидан фойдаланиш орқали таркибий ўзгаришларни давом эттириш йўллари.....	22
II Боб. Иқтисодий ўсишга молиявий ресурсларни инвестицияларга жалб этилишининг таъсири	
2.1. Молиявий ресурсларни инвестициялар ҳажмини ўсишга таъсири.....	26
2.2. Молиявий ресурсларни инвестицион фаолиятни ривожлантиришга жалб этиш сиёсатини амалга ошириш ҳолати.....	29
2.3. Иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган самарали инвестиция сиёсатини юритиш натижалари.....	33
III Боб. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўллари	
3.1. Инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатларни камайтиришга эришиш омиллари.....	41
3.2. Етакчи хорижий мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг роли.....	45
3.3. Иқтисодий ўсишни таъминлашда ва молиявий	49

ресурслардан самарали фойдаланишда инвестицион
фаолиятни ривожлантириш истикболлари.....

IV Боб. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт

фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	58
4.2. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора- тадбирлари.....	59
4.3. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	64
4.4. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	71
Хулоса.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	77

Кириш

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўстириб боришга икки йўл орқали эришилади, яъни фойдаланиладиган молиявий ресурслар миқдорини кўпайтириш ва уларнинг сарфида тежамкорлик тамойилларига амал қилиш. Биринчи йўлда экстенсив ва иккинчида интенс иқтисодий ўсиш устуворликка эга бўлади. Экстенсив иқтисодий ўсиш кўпайиб бориш тартибида молиявий ресурс сарфини тақозо қилиш билан бирга миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли турмуш фаровонлиги пасайишига олиб келади. Интенсив иқтисодий ўсиш янги техник ва технологик такомиллаштириш орқали маҳсулот бирлигига камайиб бориш тартибида барча ресурслар сарфини талаб қиладики, бу миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши ва аҳоли турмуш даражаси ўсиши билан бирга содир бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов иқтисодий ўсишга “... иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ...” орқали эришиб боришга устувор вазифа сифатида қарайди¹. Чунки иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилмасдан, эски техникавий асосдаги ишлаб чиқаришларга янги ресурс тежовчи технологияларни қўллаш мумкин эмас. Бу ўз-ўзидан самарали иқтисодий ҳамда миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши билан боғлиқ масаладир. Самарали иқтисодий ўсиш барча иқтисодий ресурс сарфларига нисбатан аниқланган ЯИМ ҳажмининг ортиб боришини тавсифлайди ва миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ўсиб бораётганлигини англатади.

Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан самарали фойдаланиш муаммолари билан сўнгги йилларда республикамізда

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 14-б.

А.В. Ваҳобовнинг “Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияларини трансформациялашуви ва амал қилиш хусусиятлари”² мавзусидаги катор мақолалари, С.Чепельнинг “Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана”³ мавзусидаги илмий монографияси ва Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катор олимларининг илмий-тадқиқот ишлари катта аҳамиятга эга. Бироқ, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларига бағишланган мукаммал тавсифга эга бўлган илмий изланишлар олиб борилмаган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес корхоналари солиққа тортишни таъминлашнинг назарий муаммолари хорижлик иқтисодчи олимлар Д.Бланд, А.Гвозденко, С.Ефимов, Е.Коньшин, Л.Рейтман, Д.Форесъети ва Д.Хэмптонларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Э.Гадоев, Н.Ашурова, Ҳ.Жамолов, Ж.Зайналов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаровлар эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизмлари орқали ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшганлар.

Умуман, иқтисодий адабиётда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кичик бизнес корхоналарини солиққа тортиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Ушбу илмий муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ва иқтисодий адабиётда етарли даражада чуқур тадқиқ этилмаганлиги сабабли, ушбу муаммо тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

² Ваҳобов А.В. Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияларини трансформациялашуви ва амал қилиш хусусиятлари. Республика Илмий-амалий конференция материаллари ТМИ. 2016 йил.

³ Чепель С. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. //Издательство IFMR 2014. С 316.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот иши СамИСИнинг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун куйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий манбаларнинг аҳамиятини ўрганиш;
- иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция фаоллигини ошириш йўналишларини тадқиқ этиш;
- молиявий ресурсларни инвестициялар ҳажмини ўсишга таъсирини ўрганиш;
- молиявий ресурсларни инвестицион фаолиятни ривожлантиришга жалб этиш сиёсатини амалга ошириш ҳолатини ўрганиш;
- иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган самарали инвестиция сиёсатини юритиш натижаларини баҳолаш;
- инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатларни камайтиришга эришиш омилларини ўрганиш;
- етакчи хорижий мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг ролини асослаш;
- иқтисодий ўсишни таъминлашда ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда инвестицион фаолиятни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолият бўйича содир бўлаётган солиқ муносабатларидан иборат.

Тадқиқот методлари. БМИ қиёсий таҳлил, тизимли баҳолаш, гуруҳлаш, иқтисодий-статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатларни камайтиришга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

– инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатлардан самарали фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилди;

– иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган самарали инвестиция сиёсатини юритиш натижалари бўйича амалий тавсиялар қилинди.

Ишнинг илмий янгилиги:

– инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатларни камайтиришга эришиш бўйича таклифлар берилди;

– инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатлардан самарали фойдаланиш стратегияси ва шу асосда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, БМИ илмий ҳулосаси ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлашуви шароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришни уларни солиқ воситалари орқали ривожлантириш, мамлакатимизнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришга махсус бағишланган истикболда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларида муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишининг амалий тавсияларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат тараққиётини таъминлашда, солиқ тўловларини

тўлиқ амалга оширишда, давлатнинг мақсадга дастурлари, қарорлари, услубий кўрсатмаларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

БМИ материалларидан олий ўқув юртларида «Молия» ва «Давлат бюджети» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлими (27.05.2017 йилдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.


Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг илмий натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2017 йил 26 май 10-сонли илмий семинарида муҳокама этилди ва ҳимояга тавсия этилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ матни 81 бетдан иборат бўлиб, 9 та жадвал, 2 та чизма ва 2 та диаграммани ўз ичига олади.

I-Боб. Иқтисодий ўсишни таъминлашни характерловчи молиявий механизмлар

1.1. Иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий манбаларнинг аҳамияти

Иқтисодий назарияда иқтисодиётни модернизациялашга сарфланадиган молиявий ресурслар алоҳида молиявий механизм элементи сифатида қаралиб, иқтисодчилар томонидан унинг турли моделлари ишлаб чиқилган. Иқтисодиётни модернизациялашнинг молиявий таъминотидан келиб чиқиб самарали натижага эришишда миллий иқтисодиёт учун унинг энг мақбул модели танлаб олинади. Жаҳон амалиётида иқтисодиётни модернизациялашни молиявий таъминоти иккита йирик шурухга ажратилади. Булар иқтисодиётни модернизациялашнинг табиий ва нотабиий таъминот моделларидир. Иқтисодиётни модернизациялашни фақат эндоген, янги ички молиявий омилларига таяниб олиб бориш табиий моделга хос. Бу модел Шимолий Америка (АҚШ ва Канада), Австралия, Янги Зеландия ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ички молиявий омиллар дейилганда, асосан модернизациялаш дастурини амалга ошираётган мамлакатнинг ички молиявий ва табиий манбалари назарда тутилади. Бу моделда ривожланиш механизми инновацион характерга эга бўлиб, ўсиш суръатлари жадал кечади. Бир қарашда молиявий ва табиий моделда модернизациялаш эволюцион йўл билан амалга ошаётгандай кўринсада, унинг замирида саноат инқилоби билан тавсифланадиган замин аввалдан юзага келган бўлади. Мазкур мамлакатларда модернизациялаш йўлидаги ҳаракат доимий характерга эга бўлсада, модернизациялаш моделини амалга ошириш муддати оралиғида турлича кечган. Бу аввало амалга оширилаётган фермерларни молиявий манбалар билан таъминланганлиги билан боғлиқ бўлади (1-чизмага қаралсин).



1-чизма. Модернизациялаш тадбирларининг молиявий таъминоти

Иқтисодиётни модернизациялаш деганда ижтимоий-иқтисодий тузилмани ислоҳ этиб, ишлаб чиқаришнинг барча омилларини такомиллаштириш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларида юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат муайян муддатга мўлжалланган давлат томонидан тартибга солинадиган узлуксиз жараён тушунилади⁴.

Барқарор ва мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлаш учун молиявий ресурслар айнан ҳудуддарда шаклланади. Маҳаллип жамғариш деганда пул маблағлари муайян қисмининг концентрацияси тушунилади. Улар устувор равишда инвестицион лойиҳаларни инвестициялашга жалб этилади. Ҳудудда молиявий ресурслар концентрацияси қуйидаги асосий йўллар орқали амалга ошиши мумкин (2-чизма):


- ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш фаолияти ва маҳсулотлар сотилиши натижасида;
- ҳудудий ишлаб чиқариш ва товарларни бошқа жойда сотиш натижасида;
- бошқа ҳудуд ва мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализацияси йўли билан;
- инвестиция киритиш натижасида;

⁴ Ваҳобов А.В., Махмудова Г.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий категория сифатида. //Иқтисодиёт ва таълим, 2014 йил 6-сон. – 7-б.

- республика бюджетидан ажратма ва трансфертлар жамғариш натижасида;

- банк фаолияти натижасида;

- маҳаллий солиқлар ундириш йўли билан.



2-чизма. Худуд молиявий ресурсларининг шаклланиши

Худудда жамғармалар янги ишлаб чиқариш қувватларини жорий этиш ва амалдагиларни реконструкция қилиш билан ҳам боғлиқ. Янги ишлаб чиқариш фондлари ва иш ўринларини ҳосил қилишда қуйидаги асосий мақсадлар кўзда тутилади:

- ҳудудий истеъмол талабини қондириш;

- янги иш ўринларини яратиш;

- инвестиция оқимини таъминлаш учун хўжалик айланмасига ҳудудий табиий-иқтисодий салоҳият билац боғлиқ қийматни киритиш.

Ўзбекистон худудларининг ўзига хос хусусиятлари ва табиий-иқтисодий салоҳияти мавжудлигини ҳисобга олиб, молиявий ресурслар жамғариш доирасида улар учун ягона сиёсат ишлаб чиқиш амалда мумкин эмас. Инвестицион жараёни фаоллаштириш маҳаллий ишлаб чиқариш

ривожланиши учун туртки бериб, янги технологияларни жорий этишга, хўжалик юритиш ва менежмент тизимида самарали меҳнзмлар шаклланишига имкон беради.

Худудларда инвестицион фаоллик муаммолари қуйидагилар билан шартланган:

- биринчидан, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион иқлимнинг мазмуни ва моҳияти, ҳудудий-иқтисодий механизмдаги унинг ўрни ва аҳамиятини аниқлашга алоқадор илмий тадқиқотлар етарли эмас;

- иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгариб бораётган ички ва ташқи шароитлар билан мутаносибликка келтириш, иқтисодиётнинг, шунингдек, ҳудудий бирликлардаги замонавий бозор институтларининг давлат ва нодавлат секторлари фаолият юритиш қоидаларини шакллантириш заруриятининг мавжудлиги;

- учинчидан, давлат кафолатлари ва маҳаллий инвестицион ташаббуслар чегараси белгиланиши;

- тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий бирликлараро дифференциацияси ўсиши, республика ва ҳудудлар ўртасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш кераклиги, бажарилаётган функциялар ҳажми ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан бу мақсадларга ажратилган молиявий ресурслар миқдори ўртасидаги номутаносиблик;

- бешинчидан, жаҳон амалиёти кўрсатдики, иқтисодиёт трансформациясига янги технологияларни жорий этиш билан эришилади. Айиан шу ҳолат ҳам ҳудудий бирликлар даражасида қулай инвестиция муҳитни фаол шакллантиришни тақозо этади;

- олтинчидан, ҳудудлар иқтисодиёти яхлит мамлакатнинг иқтисодий ўсишига бевосита таъсир кўрсатади.

Инвестиция механизми моҳияти ва асосий хусусиятларини аниқлаш учун методик ёндашувларни ишлаб чиқиш инвестицион тараққиётнинг концептуал йўналишини асослаш, инвестициялаш учун манба ва

шароитларни шакллантириш инвестицион салоҳият ва ҳудуднинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига инвестиция киритиш учун имконият яратиб беради.

Молиявий ресурс сарфларига нисбатан ЯИМ ҳажмининг ортиб боришига фақат иқтисодий ресурс сарф-харажатларини камайтириш, яъни иқтисодий тежамкорлик тамойилларини жорий қилиш орқали эришилади.

Миллий хўжалик кўламида иқтисодий тежамкорлик даражасига баҳо беришда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Иқтисодий тежамкорлик даражаси иш умумий тарзда ЯИМ, асосий капитал ва иқтисодиётда киритилган инвестициялар ҳажми ҳамда бандликнинг ўсиш суръатларини таққослаш орқали баҳоланади. ЯИМнинг суръати бошқа барча кўрсаткичларнинг худди шундай ўсиш даражасидан юқори бўлганда миллий иқтисодиётда тежамкорлик тамойиллари ўз ўрнига эга эканлиги тўғрисида умумий хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, амалда ЯИМга қиёсан бир кўрсаткичнинг ўсиши шароитида бошқасининг пасайиши кузатилади. Жумладан, республикада 2000-2016 йилларда ЯИМ ўсиш суръатларига нисбатан иқтисодиётда банд бўлганларнинг худди шундай кўрсаткичи бир мунча паст бўлгани ҳолда асосий капиталга киритилган инвестициялар суръати биров юқори даражани ташкил қилган.

Бу эса мамлакат иқтисодиётида ЯИМнинг меҳнат сиғими пасайиб бораётган, яъни ишчи кучидан самарали фойдаланилаётган шароитда, унинг капитал ва инвестиция сиғими бирмунча юқори даражани ташкил қилаётганлигини, бошқача айтганда, моддий ва молиявий сарфларда тежамкорлик тамойилларини ҳали тўлиқ ўз ўрнига эга эмаслигини кўрсатади. Таҳлил қилинган 2000-2016 йилларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати (7.4%) иқтисодиётда банд бўлганларни худди шундай кўрсаткичи (2,4%) дан 3,0 баробар юқори бўлган.

Ўзбекистонда ЯИМ, банд бўлганлар ва инвестициялар ҳажмини ўзгариш динамикаси

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	Ўртача даражаси
ЯИМ ҳажми	103,8	107,0	108,5	108,3	108,2	108,1	108,1	107,4	108,0	107,8
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	101,1	102,9	102,7	102,5	102,6	102,6	102,4	102,4	102,4	102,4
Асосий капиталга қаратилган инвестициялар	101,0	105,7	108,7	103,8	112,7	110,9	109,9	111,0	111,6	112,2

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Бу ЯИМнинг 1,0%лик ўсишига банд бўлганларнинг 0,32% ўсиш орқали эришилаётганлигини англатади. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг худди шундай кўрсаткичи (11,0%) билан таққосланганда 1,0:1,5 нисбат кузатилади, яъни иқтисодиётда ЯИМнинг 1,0%лик ўсишга 1,5 % инвестициялар ўсиши тақозо қилинган. Бу мамлакатда ЯИМнинг инвестиция сифими ҳозирча нисбатан юқори даражани ташкил қилаётганлиги, истиқболда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш йўли билан тежамкорлик тамойилларини жорий қилиш учун шарт-шароит яратилаётганлигини билдиради.

Республикада самарали иқтисодий ўсишга эришишда иқтисодий тежамкорлик ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигини бошқа бир кўрсаткич яъни қўшлигна қиймат (ЯҚҚ) мутлоқ ва нисбий ўлчамлари ўзгариш тамойиллари ҳам кўрсатади.

2-жадвал

Республика ЯИМда қўшилган қиймат ва соф солиқлар улушининг ўзгариш динамикаси

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	Ўртача даражаси
ЯИМда ялпи қўшилган қиймат улуши, %	87,5	89,4	90,8	91,4	92,3	91,8	91,6	92,3	92,1	90,6
ЯИМда соф солиқлар улуши	12,5	10,6	9,2	8,6	7,7	8,2	8,4	7,7	7,9	9,3

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

2000-2016 йилларда миллий иқтисодиётда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 4,1% (87,5%дан 91,1%)га ортган.

Миллий хўжалик даражасида ЯИМда солиқ юкининг камайиб бориши тежамкорликка баҳо беришнинг навбатдаги кўрсаткичларидан ҳисобланади. Республикада ўрганилган даврда ЯИМда соф солиқлар улуши 4,1% (12,5%дан 8,4%)га камайиб, унинг мутлоқ ҳажмининг ўсиш суръати ҳам энг юқори даражагача пасайган. ЯИМда солиқ юкининг камайиши молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқарувчилар фойдасига тежалаётганлигини англатиб, айни вақтда бу иқтисодий фаолликни рағбатлантиришнинг муҳим иқтисодий дастаги ҳам ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлил натижалари миллий хўжалик даражасида самарали иқтисодий ўсишни таъминлашда тежамкорлик тамойилларига амал қилиш асосий ва истикболли йўл эканлигини кўрсатади ҳамда унда эришишда қуйидагиларга устуворлик бериш тақозо қилинади:

– ЯИМ иқтисодиётда банд бўлганлар ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатидаги мувофиқликни таъминлаш. Республикада 2000-2016 йилларда ЯИМ ўсиш суръатларига нисбатан банд бўлганларининг худдн шундай кўрсаткичи 3,0 баробар кам бўлгани ҳолда инвестицияларники 1,5 мартага ортиқ суръатда рўй берган. Бу ЯИМнинг меҳнат сиғимидан инвестиция сиғими тезроқ суръатда ортиб бораётганлигини англатади. Айни вақтда, тежамкорлик талаби ҳисобга олинганда банд бўлганлар ва иқтисодиётда киритилган инвестицияларнинг мавжуд ўсиш суръатида ЯИМнинг худдий шундай кўрсаткичи эришилган даражадан 2-3 баробар юқори суръатда рўй бериши зарур. Бу нафақат банд бўлганлар сонини ва инвестицион фаолликни ошириш, балки самарали бандликка эришиб бориш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланишни тақозо этади;

– Ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида ялпи қўшилган қиймат улушини ўстириб бориш. Бунга ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида ортиқ маҳсулотлар ва соф солиқлар салмоғини камайтириш орқали эришилади;

– Иқтисодиётда вужудга келтириладиган фойданинг мутлоқ миқдори ва нисбий улушини ўстириш учун тақозо қилинган иқтисодий ресурс сарф-харажатларини камайтириб бориш. Бу энг аввало маҳсулот (хизмат) таннархининг пасайишии белгилаб берувчи ишлаб чиқариш харажатларнинг қисқариши, ялпи фойда мутлоқ миқдорда ва у бўйича аниқланадиган рентабеллик даражасининг ҳам ўсиши билан бирга амалга ошади. Ялпи фойда мутлоқ ҳажмининг ўсиши ишлаб чиқарувчилар соф фойдаси ва давлат бюджетига солиқ ҳамда турли хил тўловлар тушумининг ортишига олиб келади. Ялпи фойда бўйича аниқланадиган рентабеллик даражасининг ўсиши ЯИМнинг мавжуд ҳажмини ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлган барча субъектларнинг иқтисодий фаолияти самарадорлиги ортиб бораётганлигини англатади. Соф фойданинг мутлоқ ҳажмини ва унинг ялпи фойдадаги нисбий улушини ўстириб боришга, бир томондан маҳсулот таннархини пасайтириш, бошқа томондан нархда ифодаланадиган бевосита харажатлар миқдори ва салмоғини камайтириш орқали эришилади. Мамлакат иқтисодиётида бевосита харажатлар миқдоран ўсиб бориши билан бирга, унинг нисбий улуши ҳам 2016 йилда 2000 йилга таққослаганда 3,5%га, 2010 йилга қиёсан эса 1,3% (24,5дан 25,8%)га ортган. Бу соф фойда бўйича аниқланадиган рентабеллик кўрсаткичига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назаридан давр ва молиявий фаолият билан боғлиқ ҳамда бошқа билвосита харажатларни камайтиришга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш тежамкорлик тамойилларига амал қилишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Инвестициялар – такрор ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодий ўсишнинг молиявий манбаи, ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишини белгиловчи омилдир. Инвестициялар фан ва техника тараққиёти, ютуқларини амалиётга жорий қилишни ва

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини таъминлайди. У аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тўхтовсиз ошириб боришнинг ҳам зарурий шarti ҳисобланади. Шу жиҳатдан ёндашганда, инвестицияларнинг зарурлиги икки муҳим омилни тақозо қилади: ижтимоий эҳтиёжлар даражаси, уларнинг сифатини ўсиши ва аҳоли сонининг кўпайиши. У ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг даражаси ва тавсифига, иқтисодий тизим тури ва бошқа иқтисодий шароитларга боғлиқ ҳолда, ўзига хос шаклларда амалга оширилади ҳамда муайян иқтисодий қонунлар талабига бўйсунди.

Инвестицион фаолиятни амалга ошириш жамиятнинг бутун иқтисодий қонунлар тизими, энг аввало иқтисодий жамғариши, эҳтиёжларнинг ортиб бориши, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, вақтни тежаш қонунлари билан узвий боғлиқдир. Инвестицион фаолият иқтисодий субъектлар ўртасида ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги муносабатларни акс эттиради.

“2015 йилда ана шу мақсадда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир”⁵. Буларнинг барчаси давлатнинг иқтисодий сиёсатида инвестиция сиёсати қанчалик муҳим ўрин эгаллашини белгилаб беради. Бу иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришни амалга ошираётган, мустақил давлат сифатида жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб бораётган, ишлаб чиқариш ва маҳсулот таркибини сифат жиҳатидан ўзгартиришга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикасига ҳам тегишлидир.

⁵ Каримов И.А. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 17 январь 2016 й.

1.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция фаоллигини ошириш йўналишлари

Иқтисодиёт глобаллашуви шароитида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш изчил давом этмокда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олгандан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида аҳамиятли ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижалар кўлга киритилди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юкори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормокда.

Бунда ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги мустаҳкам замин бўлмокда.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда кулай инвестиция муҳитининг яратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмокда.

Биз иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик. Тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли амалга оширилаётган бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва уни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

“Инвестиция” атамаси лотинча “investiera”, инглизча “inves”, “investition” сўзлари ҳосиласи бўлиб, “нимагадир кўйиш, жойлаштириш” маъносини англатиб, ишлаб чиқариш соҳасига, корхонага, тадбиркорлик субъектларига ва иқтисодиётнинг барча тармоқларига фойда олиш мақсадида узок муддатга сармоя кўйиш маъносини билдиради. Бу борадаги фаолият

амалдаги конунлар, давлат дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатдар оркали мувофиқлаштириб борилади.

Ривожланган давлатларда инвестиция жараёнларини ва инвестиция фаоллигини ошириш учун давлат томонидан бу йўналишлардаги устувор омил сифатида баҳоланадиган қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш бўйича катор ибратли тадбирлар амалга оширилади:


- кредит ва солиқ имтиёзлари оркали тармоқлар, соҳалар ва алоҳида корхоналарни капитал маблағлар билан таъминлашни рағбатлантириш;

- ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга тушириш учун инвестиция жараёнларини маъмурий томондан қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо.

Республикаимиз иқтисодиётида инвестиция ҳажмининг йилдан-йилга сезиларли равишда ўсиб бориши туфайли эришилаётган ижобий натижалар аввало, миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўсишида намоён бўлмокда (1-диаграмма).

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида 2002-2016 йилларда инвестиция ҳажмининг ўсиши



Чунончи, республикамиз иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 2002 йилда атиги 3,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 33,6 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳам 19,4 фоиздан 27,9 фоизга етди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг технологик жihatдан таркибий тузилиши ҳам такомиллашиб бормокда. Агар 2000 йилда жами инвестицияларнинг 61,1 фоизи қурилиш-монтаж ишларига, 25 фоизи ускуна ва жихозларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлар салмоғи 39 фоизга ўсди. Бу эса, жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатди.

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жихозлашга йўналтирилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар хажми изчил ва барқарор ўсиб бормокда; Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, энг оғир инқирозий даврда республикамиз иқтисодиётига жалб қилинаётган чет эл инвестициялари миқдоран кўпайиб, таркиби сифат жиҳатидан такомиллашиб бормокда.

Бу эса, иқтисодиётимизда инвестицион жозибадорлик ошиб чет эллик ҳамкорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиш ва ишончлари ортиб бориши, инвестиция муҳитининг яхшиланиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар билан изоҳланади.

1.3. Иқтисодий ўсишни молиявий манбаларидан фойдаланиш орқали таркибий ўзгаришларни давом эттириш йўллари

Инвестициялар иқтисодиёт ўсишининг ягона манбаси эмас, балки, энг муҳим манбаларидан биридир. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция стратегиясини танлашда, айниқса, корхоналар ва уларга тенглаштирилган тузилмалар миқёсида моддийлаштирилган инвестициялар - асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат маҳсулдорлигини ошириш ҳамда турли хил йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилишга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади, Яъни инвестиция стратегияси эришилган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда фойдаланилаган захиралар ва имкониятларни излаб топишга асосланиши лозим. Бундай ёндашув натижасида инвестицион қарорлар самарадорлигининг асосий кўрсаткичи харажатларнинг минимал ва натижаларнинг максимал бўлишига эришилади.

Модернизациялаш кенг камровли, мураккаб жараён бўлиши билан бирга, айти пайтда у мақсадга йўналтирилганлик тавсифини ҳам намоён этади. Зеро, модернизациялаш жараёнлари давлат томонидан тартибга солиниб турилиши уларнинг самардорлигини оширади, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш имконини беради.

Президентимиз таъкидлаганидек, макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш – биз учун бош вазифа бўлиб қолди.

Бундан кўринадики, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашга устувор эътибор қаратиш, барча молиявий ресурс ва имкониятларни етакчи тармоқлар тараққиётига сафарбар этиш ислохотларнинг бош вазифасига айланмоқда.

Эндиликда бошланган таркибий ўзгаришларни давом эттириш дастурлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда қуйидагича амалга ошириш мўлжалланмокда.

- қишлоқ хўжалик тармоғини янги техника билан жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ҳамда у билан боғлиқ бошқа соҳаларни такомиллаштириш;

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;

- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлашни молиялаштириш;

- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш.

Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратилган. Жумладан, корхона фаолиятига ортиқча таъсир кўрсатувчи ташқи аралашувлар чекланди, корхоналарни рўйхатга олиш ва маҳсулотларга лицензия, ва сертификат беришдаги ортиқча жараёнлар камайтирилди, инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кўшма ва хорижий корхоналарга кўпгина имтиёзлар ва енгилликлар берилди, хўжалик фаолияти учун барқарор ҳуқуқий меъёрлар яратилмокда.

Республиқамиз иқтисодиётида, жумладан, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни кўпроқ жалб этиш ҳамда самарадорлигини оширишда ижобий силжишлар кузатилмокда. Эндиликда барқарор ўсишни таъминлаш учун инвестициядар ҳажмини кўпайтириш ва уларни устувор соҳаларга; йўналтиришга асосий эътиборни қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этмасдан туриб, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини

кенгайтормасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин»⁶. «Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, йилига 6 %дан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғармалар ялпи ички маҳсулотнинг камида 25%ини, инвестициялар эса 30%ини ташкил этиши керак»⁷. Чунки хорижий инвестициялар иқтисодиётимизнинг, жумладан, қишлоқ хўжалигининг таркибий тузилишини такомиллаштириб, тармоқни замонавий илғор техника ва агротехнологиялар билан таъминлайди, капитал етишмовчилиги шароитида маблағ таъминотидаги бўшлиқни тўлдиради, бошқарув борасидаги илғор тажрибани йўналтиришга кўмаклашади, мамлакат озиқ-овқат бозорини барқарорлаштиради ва экспорт салоҳиятини оширади, шунингдек, хорижий инвестициялар, қишлоқ жойларда турмуш шароитининг яхшиланиши, янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини жадал - ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш жараёнларини инвестицияларсиз, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициядарсиз самарали амалга ошириб бўлмайди. Шунга кўра, мамлакатимиз вилоят, шаҳар ва туманлари раҳбарлари, тармоқ ва идораларнинг мутасаддилари, барча тадбиркор ва ишбилармон фуқаролар ўз фаолиятларида иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб этиш масаласини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бу эса пировардида республикамиз иқтисодиётининг қисқа вақт ичида жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш имкониятларига эга бўлишига замин яратади.

Мутахассислар фикрича, яқин келажакда инвестиция сиёсатининг стратегик вазифалари хусусийлаштириш жараёнлари яқунланган ва рақобатли муҳит яратилган шароитларда амалга оширилиб, бунда корхона,

⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 360-б.

⁷ Ўша асар, 17-б.

тармоқ ва минтакалар ўртасида инвестицияларни жалб қилиш учун жиддий кураш олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва ҳудудий тузилмаларнинг инвестицион фаоллигига эмас, балки, уларнинг инвестицион рискларини, ҳам оширади, шу билан бирга ушбу рискларнинг минималлашуви ёки ҳеч бўлмаганда суғурталанишини талаб қилади. Бу вазифа қанчалик яхши бажарилса, инвестиция фаолияти самарадорлиги, шунингдек, инвестиция ресурсларни асраш ва инвесторлар фаолиятининг узоқ муддатлилиги кафолатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Бугунги кунда бутун дунё айнан шу йўлдан бормоқда

Бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда келгусида инвестиция фаоллигини оширишда алоҳида эътибор унинг асосий бўғинларига қаратиш лозим. Уларни ушбу жараёнга жалб этишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоғи лозим. Шу билан бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг барча тоифалари инвестиция субъектлар бошқа тармоқлар билан бевосита ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо этишини назарда тутадиган бўлсак, улар билан инвестиция жараёнлари мутаносиблигини таъмилаш бўйича кенг қамровли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

II-Боб. Иқтисодий ўсишга молиявий ресурсларни инвестицияларга жалб этилишининг таъсири

2.1. Молиявий ресурсларни инвестициялар ҳажмини ўсишга таъсири

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада ошишига, Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилаётган капитал кўйилмаларнинг сўнгги 4 йил мобайнида йиллик ўсиш суръати ўртача қарийб 10 фоизни ташкил этишига имкон берди. Бу кўрсаткич дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёдни ташкил этди. 2016 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14600 млн. долларни ташкил этди. Бунда жами капитал кўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 млрд. доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди⁸.

⁸ Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.press-service.uz

Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмокда. Бу жараёнларнинг жадаллашувини асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг салмоғи йилдан-йилга кўпаяётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот унинг таркибида саноатнинг улуши тобора ортиб бормокда (3-жадвал).

3-жадвалга кўра иқтисодиётнинг турли ўсиш шароитларида халқаро инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсирини таҳлил қилиш, омиллар ва уни аниқловчи белгиларини баҳолаш натижасида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ва унинг инновацион ривожланишини таъминлашда, иқтисодиётнинг янги ривожланиш босқичига ўтишига имконият яратишда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти ортиб боради;

- ссуда капитали мамлакат иқтисодий ривожланишининг бошланғич босқичида муҳим аҳамият касб этиб, давлат ресурсларини бирлаштириш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кучли туртки беришда самаралироқ инструмент ҳисобланади;

- давлат халқаро капитал миграцияси орқали мамлакатда инвестицион жараёнларни мувозанатлаштирмай, бу жараёнларни тартибга солмай туриб, инновацион ривожланиши мумкин эмас.

Капитал импорти ва экспортини давлат томонидан мувофиқлаштиришда нафакат инвестицион ресурслар ва миллий ишлаб чиқариш салоҳияти ўртасидаги боғлиқликка, балки инвестицион капитал шаклига ҳам кўпроқ эътибор қаратилиши лозим. Бундай шароитда давлат томонидан айнан жаҳон бозорида миллий бизнеснинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро капитал шакли оқимининг ўсипшга шарт-шароит яратилиши керак

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот, унинг таркибида саноатнинг улуши ва асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиш тенденциялари

Кўрсаткичлар /йиллар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Ялпи ички маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	3255,6	15210,4	61831,2	77750,6	96589,8	118986,9	144867,9	171615,0	196317,0
Саноатнинг ЯИМдаги улуши, %да	14,2	21,1	24,0	24,0	24,0	24,2	24,3	24,3	24,3
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	1132,9	3165,2	15409,1	18291,3	22067	27557,3	33715,3	34751,3	39457,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инновацион омилларнинг самарадорлигига аввало мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), миллий инновацион тизимини модернизация қилишга сарфлаётган харажатлари натижасида эришилади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кўпгина иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ИТТКИга харажатлар давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланган.

Таҳлилларга кўра, йирик компанияларнинг ИТТКИга харажатлари давлат харажатларидан ҳам бир мунча кўплигини кузатишимиз мумкин. Масалан. XX асрнинг 90 йилларида умумий ажратилган ИТТКИга харажатларда хусусий секторнинг улуши: Жанубий Кореяда – 82%, Швецарияда – 75% Бельгия ва Люксембургда – 73%, Японияда – 69%, АҚШ, Германия. Швецияда – 68%, Буюк Британия – 63%, Ирландия – 62% ҳамда Франция – 61 %ни ташкил қилган⁹.

2.2. Молиявий ресурсларни инвестицион фаолиятни ривожлантиришга жалб этиш сиёсатини амалга ошириш ҳолати

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бир томонлама хом-ашёвий йўналишига қатъий барҳам беришни, мустақил миллий иқтисодиётни яратишни ва уни ривожлантиришда фаол инвестиция сиёсатини олиб боришни тақозо этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов: “... жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади”¹⁰, деб алоҳида таъкидлаганлар.

⁹ Андрианов В. Россия: экономика и политика. Конкурентоспособность России в мировой экономике. – М., 2000.

¹⁰ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 16-б.

Инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, белгиланган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатди ва узоқ истикбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш ва иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай ҳўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуи инвестиция сиёсатини англатади. Инвестиция сиёсатига иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, инвестиция фаолиятининг ўрта ва узоқ муддатди мақсадлари ҳамда уларга эришиш йўлларини белгилаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестициялашга ўтиш, инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйдаа чора-тадбирлар тизими, устувор инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси сифатида ҳам қаралади. Ушбу сиёсат Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш шакллари, йўналишлари ва мақсадларини белгилайди.

Инвестиция сиёсатининг вазифалари мамлакатда юзага келган аниқ иқтисодий вазият ва қўйилган мақсадга боғлиқ бўлиб, унга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини танлаб олиш ва қўллаб-қувватлаш;
- мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлиги таъминлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбирқорлик ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш;
- экспорт ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- мамлакатда уй-жой қурилиши дастурларини амалга ошириш;
- ҳарбий-саноат мажмуаларини янгилаш бўйича дастурларни амалга ошириш ва бошқалар.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос механизмлари мавжуд ва улар қуйидагиларни камраб олади:

- инвестицияларни молиялаштиришнинг ишончли усуллари ва манбаларини танлаш;
- инвестиция сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган органларни танлаб олиш ва муддатларини аниқлаш;
- инвестиция бозорининг фаолияти учун зарур бўлган меъёрий-ҳукукий асосларини яратиш;
- инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш ва бошқалар.

Давлат инвестиция сиёсатидан ташқари ҳудудий, тармоқ ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция сиёсати фарқланади. Улар ўзаро ва доимо алоқадорликда бўлади¹¹.

Давлатнинг инвестиция сиёсати ўз навбатида ташқи инвестиция оқимларини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизимини ҳам камраб олади. Ушбу сиёсатнинг мақсади бўлиб, инвестиция жараёнларига максимал даражада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун молиявий ресурсларни жалб этиш бўлиб ҳисобланади.

Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устуворлик тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишга, кичик бизнес ва ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилади. Инвестиция оқими мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция фаолияти иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестиция муҳити яратишга қаратилгандир.

¹¹ Сергеев И.В., Ветеренникова И.А. Организация и финансирование инвестиций. – М.: Финанси и статистика, 2001. – 48-50 с.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда давлат инвестиция сиёсати ривожланиши куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- I босқич – 1991-1994 йиллар – турли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестиция жараёнини нормалаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди, хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди, хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди;

- II босқич — 1995-2003 йиллар – инвестиция фаолиятининг базаси яратилди, танлов асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтилди, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди, иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди;

- III босқич – 2003-2007-йиллар – валюта муносабатлари ва операциялари либерализациялаштирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, корхоналарнинг техник жиҳатдан қуроллантирилиши кучайтирилди, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик берилди, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш кучайтирилди;

- IV босқич – 2008-2013 йиллар – инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватларининг асосий йўналишлари (маҳсулот таннархини пасайтириш, экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилди, инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада кенг эркинлик берилди.


2.3. Иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган самарали инвестиция сиёсатини юритиш натижалари

Мамлакатда самарали инвестиция сиёсати юритилиши натижасида инвестицияларнинг ўсиш суръатлари қайд этилди. Мисол учун 2016 йилда иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 млрд. 600 млн. долларни ташкил этди. 2010 йилда бу кўрсаткич 9 млрд. 700 млн. АҚШ долларини, 2002 йилда эса 1 млрд. 400 млн. АҚШ долларини ташкил қилган эди, яъни 2016 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 мартага, 2002 йилга нисбатан эса 10,4 мартага ортган (2-диаграммага қаралсин).

2-диаграмма

Ўзбекистонда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари динамикаси*, млрд.

АҚШ доллари



2016 йилда жами капитал қўйилмарнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 млрд доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мамлакатда инвестиция сиёсатини самарали ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилмоқда:

1. Мамлакатнинг жаҳон майдонидаги рақобатдорлиги, эҳг аввало, пухта ишлаб чиқилган ва оқилона юритилаётган инвестиция сиёсати орқали таъминланмоқда. Миллий маҳсулотлар рақобатдорлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катга ва кичик лойиҳалар изланмоқда. Бунинг учун зарур маблағ ва манбадарни топиш биринчи навбатдаги энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, инвестиция сиёсатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

2. Қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий ихчам техника-технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишга хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда.

3. Инвестиция сиёсатини амалга оширишда ҳудудий инвестиция даастурларини изчиллик билан амалга ошириш орқали мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги фарқлар қисқартирилмоқда.

Мамлакатда қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини янада ошириш мақсадида молиявий ресурсларни жалб этиш орқали қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- вилоятларда инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини янада такомиллаштириш лозим. Бу эса вилоятларда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб

этиш имкониятларини кенгайтиради, бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига эга талаблари ортишини таъминлайди;

- ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бозор инфратузилмасини (товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозори инфратузилмаси) янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истикболли инвестиция лойиҳалари танловларини эълон қилиш ва унга инвесторларни кўпроқ жалб этиш имкониятини топиш.

Глобализация шароитида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ундан иқтисодий ўсишга ўтиш шароитида инвестициялар мазмуни ва таркибий шакллари таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, илмий-назарий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ялпи инвестициянинг таркибий қисмлари бўлиб қуйидагилар киради:

- 1) Қурилиш, биноларга инвестициялар;
- 2) Инвестицион товарларга инвестициялар;
- 3) Моддий айланма маблағлари захираларига инвестициялар.

Ялпи инвестициядаги соф инвестициянинг миқдори ялпи инвестициядан истеъмол қилинган асосий капитал қиймати айирмасига тенг. Соф инвестициянинг умумий миқдори асосий капитал қийматининг ўсиши ва моддий айланма маблағлари захираларининг ўсиши шаклида намоён бўлади. Айланма маблағлар олдинги даврга нисбатан камайганида соф инвестициялар фақат асосий капиталлар қийматининг ўсишида моддийлашади.

Ялпи инвестиция миқдори асосий капиталдаги ялпи инвестиция суммасига ва моддий айланма маблағлар қийматининг ўсиш миқдори (ёки захиралар қийматининг ўзгариши) йиғиндисига тенг. Бу ялпи инвестиция ва асосий капиталга қўйилган инвестиция ҳажми динамикасидаги фарқлар

натижасидан келиб чиқади. 2005-2016 йилларда асосий капиталдаги инвестиция улуши ялпи инвестицияларда ҳам, ЯИМда ҳам ўсиб борган. Агар унинг хиссаси ЯИМ да 2005 йилда –19,9%дан, 2010 йилга келиб 24,4% гача ўсган бўлса, 2016 йилга келиб 23,3%ни ташкил этган.

Ўзбекистонда асосий капиталга ялпи инвестициялар даражаси ривожланган ғарб давлатлари кўрсаткичларига тенг. Бироқ 2014 йилга келиб асосий капиталдаги ялпи инвестициялар миллий иқтисодиётга қўйиладиган инвестициялар хиссасининг кескин камайиши ҳисобига сезиларли даражада пасайган. Республикада ЯИМда ялпи инвестициялар улуши яққол ўсиш тамойилига эга. У 2005 йилда 19,9% дан 2014 йилда 23,3% га ўсган.

Асосий капиталга инвестиция суммасининг ялпи инвестициялар ҳажмидан кўп бўлиши - Ўзбекистондаги ялпи инвестициялар таркибинининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ғарб иқтисодий адабиётларида ялпи ва соф инвестицияларнинг нисбати тўғрисидаги маълумотлар жуда катта давр оралиғида чоп этилади. Жумладан, “АҚШда 1995 йилда ЯИМдаги ялпи инвестициялар 13,7% ни ташкил этган. Унинг 10,5%и асосий капитални истеъмол қилиш ва 3,1 %и соф инвестициялар ҳисобига шаклланган. Бу шуни ангатадики АҚШда амортизация ҳисобига тўғри келадиган ялпи инвестиция 76 %ни, соф инвестиция ҳисобига тўғри келадиган ялпи инвестиция эса 24 %ни ташкил этади”¹².

Ялпи инвестиция, айниқса асосий капиталга қўйиладиган инвестиция ҳам манба сифатида ҳам асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида алоҳида ўринга эгадир. Ривожланган бозор муносабатларига эга мамлакатларда асосий капиталдаги ялпи инвестициянинг умумий суммасида амортизация ажратмалари деярли 40% га тўғри келади.

Амортизациянинг такрор ишлаб чиқариш, жумладан инвестиция жараёнининг ўрни тўғрисидаги масала анъанавий иқтисодий фанда узок

¹² Джеффи Д. Сакс Ф, Ларрен Б. Макроэкономика. Глобальный подход /Перевод с английского. -М,1996. с. 56.

муддат давомида мунозарага сабаб бўлиб келган. Бунда амортизация инвестициянинг манбаи бўла оладими ёки унинг функцияси фақат эскирганлиги туфайли ишлаб чиқаришдан чиқарилган асосий капиталнинг ўрнини қоплашдан иборатми деган масала мунозараларини келтириб чиқарган. Шу билан бирга, фан ва техника тараққиёти шароитида амортизация кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг манбаи бўлиб хизмат қилади деган ёндашув кенг тарқалган.

Бизнинг ёндашувимизга кўра амортизация нафақат асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг балки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ҳам манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ у соф инвестиция манбаи бўла олмайди.

Инвестицияларнинг камайиши - инқирозли ҳолатлар кутилиши, инвестицияларнинг ўсиши инқироздан чиқишнинг ва иқтисодий ўсишнинг бошланишининг муҳим иқтисодий белгисидир. Инвестициялар динамикаси ишлаб чиқарилаётган ЯИМнинг динамикасини олдиндан белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига қўйилган инвестицияларнинг 1995 йилда 1990 йилга нисбатан 45 %га пасайиши ЯИМни ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,3 %га камайишини келтириб чиқарди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва инвестицияларнинг бундай пасайиш нисбати МДХнинг қатор бошқа мамлакатлари учун ҳам хосдир. Жумладан, бу мамлакатлар бўйича ЯИМ 1995 йилда 1991 йилга нисбатан 61,5 %ни, капитал маблағлар эса фақат 29 %ни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси бўйича бу даврда келтирилган кўрсаткичларнинг нисбати 88,9 % ва 65,6 % бўлган. МДХ мамлакатлари ўртасида энг биринчи Ўзбекистонда ЯИМда инвестицияларнинг ўсиши бошланди. Агар 1990-1995 йилларда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши инвестициялар камайишидан камроқ бўлган бўлса, 2005-2014 йиллар улар динамикасининг бутунлай бошқа нисбати билан тавсифланади, яъни бу даврда, инвестицияларнинг ўсиши ЯИМнинг ўсишидан юқори бўлган. Ўзбекистонда инвестицион фаолликда ЯИМ динамикасидаги сингари икки давр ажратиб кўрсатилади:

-1990-1994 йиллардаги пасайиш даври;

-1995-2014 йиллардаги инвестициялари ҳажмининг ўсиш даври.

Биринчи даврда инвестициялар ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг ҳажми тўхтовсиз пасайиб борган. Бироқ инвестициялар ва ЯИМ динамикасида ижобий ўзгаришлар рўй берган даврлар ўртасида фарқ мавжуд. Инвестицияларнинг ўсиши 1995 йилдан, ЯИМнинг ўсиши эса 1996 йилдан бошланган. Республикада 2010 йилдан асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг кескин ўсиш суръатлари билан характерланади. Агар инвестициялар ўсиш суръати 2010 йилда ўтган йилга нисбатан 108,7 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб у – 109,6 %га ўсган¹³. Бу ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатларини 8,5 %-9,0 % бўлишини таъминлади. Бироқ бу даврда қўшма корхоналарга ва чет эл инвестицияси ҳажми улуши пасайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Унинг ҳиссаси умумий инвестиция ҳажмида 2010 йилдаги 28,5 %дан 2014 йилга келиб –20,2 %га пасайган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги натижасида инвестицияларнинг ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, 2016 йилда иқтисодиётда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 15,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва 2015 йилга нисбатан 9,5 фоизга ошди. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни қарийб 80 фоизи корхоналар ҳамда аҳоли, тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида инвестицияларнинг мулк шакллари таркибида катта ўзгаришлар содир бўлди. Давлат инвестицияларининг улуши нисбатан камайди. Тадқиқ этилаётган даврда давлат мулки улуши 36,2%дан 19,1%гача пасайган ва аксинча нодавлат мулки улуши шунга мос равишда 63,8%дан 80,9%гача ўсган. Бу республикада ушбу даврда хусусийлаштириш ва мулкни давлат

¹³ Альманах Узбекистана 2015.: Т., 2016. С. 76

тасарруфидан чиқариш бўйича олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасидир. Давлат инвестициялари дейилганда, давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари, ҳамда давлат корхоналарининг Республика ресурслари ҳисобига ташкил топадиган инвестициялари тушунилади. Бироқ баъзи нашрларда давлат инвестициялари дейилганда, фақат давлат бюджети ҳисобига ташкил этиладиган қўйилмалар тушунилади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ялпи инвестицияларнинг мулк шакллари бўйича таркиби (амалдаги нархларда, %да)¹⁴

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Ялпи инвестициялар Шу жумладан:	100	100	100	100	100
Давлат	36,2	21,8	19,1	18,2	18,0
Нодавлат Улардан:	63,8	78,2	80,9	81,8	82,0
Хусусий	14,2	17,2	20,6	21,4	21,7
Хўжалик бирлашмалари	21,9	28,4	32,3	33,1	33,4
Хорижий капиталга эга бўлган қўшма корхоналар	14,9	28,5	20,2	20,0	19,6
Бошқалар	12,7	4,1	7,7	7,0	8,0

Мулк муносабатларидаги қайта ўзгаришлар натижасида Республикада ялпи инвестицияларнинг номарказлашган манбалари кенгайиб борди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳамда иқтисодий ўсиш давларида

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари

инвестицияларнинг асосий қисми давлат мулки шаклига тўғри келади. Шу билан бирга, 2005-2014 йилларда давлат инвестициялари улуши барқарор суръатда камайди, бироқ 1996-2000 йилларда бирмунча ортди. Бу ишлаб чиқаришнинг пасайишини бартараф этиш ва иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратишни таъминлашдаги давлатнинг фаол иқтисодий сиёсатининг намоён бўлиши ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш давлатнинг етакчилик ролининг хусусиятларидан биридир.

Таҳлил қилинган даврда инвестицияларда хусусий мулкнинг улуши сезиларли даражада ортган (2005 йилда 14,2 %дан 2016 йилдаги 21,7 %га). Бу йиллар ичида фақат якка тартибдаги уй-жой қурилишига инвестицияларнинг улуши бироз пасайган. Лекин инвестицияларнинг умумий суммасида қўшма корхоналарнинг улуши 2005-2016 йилларда ўсган. Агар 2005 йилда уларнинг ҳиссасига инвестицияларнинг 14,9 % қисмидан кўпроғи тўғри келган бўлса, 2016 йилга келиб 19,6 %га ўсган. Шу билан бирга, бу йиллар ичида қўшма корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт ва импортдаги улуши ўсган.

Албатта, бундай юқори натижаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли ва 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли фармонларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида эришилди.

Шунингдек, булар қаторига ташқи иқтисодий фаолиятнинг янада эркинлаштирилгани, солиққа тортиш тизимининг такомиллашиб бораётганлиги, инвесторлар учун қўшимча рағбатлантириш омилларининг амал қилиши, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самараси каби амалий ютуқларимизни қўшишимиз мумкин.

III Боб. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўллари

3.1. Инвестициялар орқали асосий капитални янгилашга жалб этиш орқали харажатларни камайитиришга эришиш омиллари

Инвестициялар халқаро иқтисодий муносабатларни танлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, кўп давлатлар учун муҳим капитал манбаси ҳисобланади. Инвестициялар орқали асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосида ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ва сифатини ошириш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин бўлади. Шу орқали иқтисодий ўсиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти куйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, жспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта куроллантиради;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва қ.к.

Шу билан бирга ТТХИ қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин:

- миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кучли рақобатчининг кириб келиши;
- корхонани кейинчалик муқобил ишлаб чиқаришни тугатиш мақсадида ёпиб юбориш;
- атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чунки хорижий капитал ўз ватанида тақиқланган зарарли ишлаб чиқаришни четга чиқаришга ҳаракат қилади;
- экспортёр мамлакатда рақобатбардош бўлмай қолган капиталнинг кириб келиши;
- эркин тадбиркорлик муҳитига зарар етказувчи монопол бозорнинг ўрнатилиш хавфи;
- адолатсиз рақобат муҳитида ишловчи синалмаган капитални қабул қилиш эҳтимоли.

Шунга қарамай, ТТХИ миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ микдорда капитал жамғариш тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. ТТХИ алоҳида корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Шунга қўра, мамлакат ўз миллий маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорида муносиб ўрнини эгаллаши учун миллий иқтисодиётни замонавий технологиялар ёрдамида қайта қуrollантириши зарур ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми табиий ва минерал ресурслар малакаси ишчи кучи

мавжудлиги, бозор ислохотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Мамлакат иқтисодиёти ўсиши унинг халқаро савдодаги очиқлик даражаси, ҳукумат сиёсати. молиявий тизим самарадорлиги, меҳнат бозори ҳаракати, илмий салоҳиятли ишчи кучи даражаси, жамоат муассасалари сифати ва бошқа омиллар билан узвий боғлиқ. Глобал рақобатбардошликнинг асосий омиллари мажмуи:

- муассасалар;
- инфратузилма;
- макроиқтисодий муҳит;
- соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим
- олий таълим тизими;
- товар бозори самарадорлиги;
- меҳнат бозори самарадорлиги;
- молия бозорининг ривожланганлиги;
- янги технологиялар билан қуролланганлик;
- бозор ҳажми;
- бизнес самарадорлиги;
- инновацион салоҳият;

Ушбу омиллар ўз навбатида учта муҳим субиндексга бўлиниши мумкин. Биринчи гуруҳ субиндекси ресурсларга йўналтирилган иқтисодиёт учун базавий (асосий) талабларни, жумладан, муассасалар, инфратузилма, макроиқтисодий муҳит, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълимни ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ субиндекси самарадорликка йўналтирилган иқтисодиёт учун олий таълим тизими, товар бозори самарадорлиги, меҳнат бозори самарадорлиги, молия бозорининг ривожланганлиги, янги технологиялар билан қуролланганлик ва бозор ҳажми каби бизнес муҳит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади. Шунингдек, учинчи гуруҳ субиндекси инновацияга йўналтирилган иқтисодиёт учун бизнес самарадорлиги ва инновацион салоҳият каби бизнесни такомиллаштириш

омилларини бирлаштиради. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг улуши белгиланади (5-жадвал).

5-жадвал

Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида

Рақобатбардошлик омилларининг субиндекслари	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Инновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик кўрсаткичлари	35	50	50
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30

Манба: The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland. 2009 йил 8-б.

Бунда ҳар бир субиндекснинг аниқ мамлакат учун ҳисобланган натижавий глобал рақобатбардошлик индекси (GCI) кўшган ҳиссасидан келиб чикиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатбардошлигини таққослаш имконини беради. Мамлакатлар ривожланиш босқичлариға кўра икки мезон:

1) аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (бозор баҳоларида) (6-жадвал);

2) мамлакатнинг омилларга боғлиқлик даражаси бўйича гуруҳланади.

Ушбу кўрсаткич хом ашё экспортининг умумий экспортдаги улуши оркали аниқланади. Экспортнинг 70%дан ортиғи хом-ашёдан иборат мамлакатлар ресурсларига боғлиқ бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларини аниқлашда
қўлланиладиган даромадлар чегараси

Ривожланиш босқичлари	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми, АҚШ долл.
Биринчи босқич. Ресурсларга йўналтирилган	< 2.000
Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш	2.000-3.000
Иккинчи босқич. Самарадорликка йўналтирилган	3.000-9.000
Иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтиш	9.000-17.000
Учинчи босқич. Инновацияга йўналтирилган	>17.000

Манба: The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum.
Geneva, Switzerland. 2009 йил 9-б.

3.2. Етакчи хорижий мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг роли

Бугунги кунда Ўзбекистонда етакчи хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ташқи савдо алоқалари ўрнатилган бўлиб, 2005-2013 йилларда жаҳоннинг айрим тараққий этган мамлакатлари билан экспорт ва импорт муомалалари ўрганилганда экспорт ҳажмида камайиш ва импорт ҳажмининг нисбатан ортиш тенденцияси кузатилади (7-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистонда ташқи савдо операцияларида тараққий этган мамлакатларнинг улуши нисбатан кам. Таҳлил қилинаётган даврда 2008 йилдан бошлаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз бергани ҳисобга олинса, тараққий этган мамлакатларда ҳам ташқаридан маҳсулот ва хизматларнинг импортини камайтириш, ўзларининг узоқ муддат хизмат кўрсатувчи воситаларини эса кўпроқ экспорт қилишга ҳаракат қилинган.

Хориж мамлакатларининг республика ташқи савдосидаги улуши (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2005 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2005-2013 йилларда ўзгариши	
	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.
АҚШ	2,0	3,7	0,4	1,4	0,5	2,6	0,4	3,1	0,7	3,8	-1,3	0,1
Буюк Британия	6,2	2,3	1,0	1,1	0,6	0,7	0,8	0,7	0,5	1,1	-5,7	-1,2
Германия	1,6	5,9	0,4	4,8	0,3	6,8	0,3	3,9	0,5	6,3	-1,1	0,4
Италия	0,5	1,4	0,1	1,5	0,1	1,5	0,1	1,2	0,2	1,4	-0,3	0
Франция	1,6	1,1	0,7	0,9	1,5	1,6	1,2	0,9	1,6	2,2	0	1,1

Манба: Йиллик статистик тўплам. – Т.: 2013. – 321 б. Ўзбекистон рақамларда 2014 й. – 198-б.

Жадвалда номлари келтирилган мамлакатларда, юқорида таъкидланганидек, иқтисодийни модернизациялашнинг табиий модели қўлланилган ва улар жаҳонда модернизациялаш бўйича биринчи эшелон мамлакатлари гуруҳига киради.

Жаҳон амалиётида модернизациялаш жараёни сиёсий ва иқтисодий нуқтаи-назардан талкин этилади. Дарҳақиқат, сиёсий кучлар иқтисодийни модернизациялаш жараёнига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Масалан, Германияда О.Бисмарк, АҚШда Ф.Д.Рузвельт томонидан олиб борилган сиёсий ислохотлар ушбу мамлакатларнинг иқтисодийига бевосита ўз таъсирини кўрсатган. АҚШда модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамиятини ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан бирга амалга ошган. Модернизациялашнинг бу модели Шимолий Америка учун характерли бўлиб, унда замонавий жамиятга ўтиш Ғарбий Европа тажрибасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Ғарбий Европада модернизациялаш узлуксиз равишда олиб борилиб, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда.

Ғарб мамлакталирадида биринчи модернизациялаш амалиёти XVI-XVII асрларга тўғри келиб, иқтисодий адабиётда бу давр индустлаштиришгача бўлган босқич деб номланади. Бунда ишлаб чиқариш омиллари ривожлантирилган бўлиб, мануфактуралар шаклланиган, шунингдек меҳнат тақсимооти асосида дастлаб кооперациялар юзага келган, яъни меҳнатнинг ихтисослашуви амалга ошган. Ишлаб чиқариш фақат аграр индивидуал натурал кўринишдан ижтимоий, жамоавий-оммавий тус олган. Айнан шу босқичда бозор механизмининг янги шакли юзага келиб, ишлаб чиқарувчилар унга мослашишига тўғри келган. Бозорнинг ривожланиб бориши билан аҳоли ўртасида товар ва пул захираларига кўра табақаланиш пайдо бўлган. Инсоннинг бозор қонуниятларига мослашиши турли зиддиятларни келтириб чиқарган. Бу зиддиятлар ишлаб чиқариш жойлари ва воситаларининг тақсимоотида яққол намоён бўлган. Шу боисдан ҳам “иқтисодий инсон”нинг Европага хос шахсий кўриниши икки қутбга ажратиб қолган. Шу билан биргаликда “иқтисодий инсон”нинг меҳнатга бўлган

муносабати ҳам ўзгариб борган. Масалан, ишчи кучи сифатида фаолият кўрсатаётган киши маҳсулот ишлаб чиқаришни бошидан охиригача назорат қилишни тўхтатиб, ўзининг ишини енгиллаштиришга эришган.

Бу даврни саноат бурилиши ёки дастлабки саноатлашган модернизация деб ҳам аталади. Унинг асосий хусусияти қўл меҳнатидан машиналарнинг пайдор бўлиши билан механизациялашган ҳолатга ўтишдадир. Иш жараёнининг машиналар ҳисобига тезлашиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва узумдорликнинг ортиши инсон омилини иккинчи даражага тушириб қўйганлигидан кишиларда меҳнатга бўлган муносабатни янада кескинлаштирди. Лекин дастлабки саноатлашиш даври учинчи модернизациялаш даврига, яъни сўнгги саноатлашиш босқичига ўтишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётни модернизациялашда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси эътиборга лойиқ. Бироқ 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу давлатлар иқтисодиётида ўзига хос тангликни келтириб чиқардики, унинг асоратлари ҳанузгача давом этади.

Бюджет масалалари бўйича Буюк Британия Бошқармаси прогноз маълумотларига кўра, мамлакатнинг 1997-2007 йилларда ривожланиш суръатларига нисбатан 2016-2017 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми яна 18%га қисқаради. Шунингдек, 2015 йилда қиёсий баҳоларда ҳисобланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 2002 йилдагига нисбатан кам бўлиши кутилган¹⁵. Британия иқтисодиётининг рецессия ҳолатидан чиқиши ва қайта жонлаши секинлик билан бораётганини ўзига хос сабаблари мавжуд. Биринчидан, Британия бизнеси халқаро ишлаб чиқаришга евро зонадаги бошқа давлатларга нисбатан ўта интерграциялашганлиги бўлса, иккинчидан Европа Иттифоқига аъзолиги сабабли мамлакат экспортининг 2/5 қисми ЕИ давлатларига йўналтирилганлигидан улардаги давомли инқироз салбий

¹⁵ Мир. Визовы глобального кризиса. Великобритания. //Мировая экономика и международные отношения. 2013. №6. – с. 75-76.

таъсир кўрсатганлигидир. Ва учинчидан, ривожланишнинг англосаксон моделидаги ўзига хослик, яъни иқтисодиётнинг қарзли характерга эгаллигидир.

Франциянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг нисбатан олганда барқарорлигини аҳолининг ўртача умр кўришининг узайиб бориши ҳамда ижтимоий ва нафақа тўловларининг тармоқланган тизимида кузатиш мумкин. Шу билан бирга инқироз бошланганга қадар фаровон давлатнинг француз модели асослари капитализмнинг индустлаштириш босқичининг якунига етиши ва глобализация жараёнларининг чуқурлашуви натижасида мамлакатнинг капитал ҳаракати, ахборот оқими ва ишчи кучи устидан назорат қилишини қийинлаштирди. Бошқа тараққий этган мамлакатларда бўлгани сингари Францияда ҳам аҳоли даромадлари табақалиниши сўнгги ўн йилликларда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда¹⁶. Паст иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан тез ўсаётган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш харажатлари ўртасида номутаносиблик келиб чиқди.

3.3. Иқтисодий ўсишни таъминлашда ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда инвестицион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар инвестицияларини тармоқ таркибининг ўзгаришида ўз аксини топади. Чунки янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш инвестициялар таркибини ўзгаришини тақозо этади. Инвестициялар таркибининг ўзгариш тамойилларини 8-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

¹⁶ Мир. Визовы глобального кризиса. Великобритания. //Мировая экономика и международные отношения. 2013. №6. – с. 70-71.

“Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда”¹⁷.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркибининг ўзгариши (амалдаги нархларда, %да)

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Барча манбалар ҳисобига инвестициялар шу жумладан:	100	100	100	100	100
1. Ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган, улардан:	68,2	73,7	66,6	64,3	61,4
а) саноатга;	32,5	30,4	36,3	38,7	39,6
б) қишлоқ хўжалигига;	4,4	3,5	4,3	4,9	5,4
в) қурилишга;	0,9	1,4	2,3	2,7	3,3
г) транспорт ва алоқага;	24,1	29,7	14,3	14,0	13,2
д) савдо, умумий овқатланиш моддий-техника маъминоти ва бошқа тармоқлар.	6,3	87	9,3	9,8	10,4
2. Ижтимоий соҳа тармоқлари, улардан:	31,8	26,3	33,4	39,7	42,3
а) уй-жой қурилишига;	11,5	12,4	15,2	18,1	21,6
б) Коммунал хўжалигига;	2,8	1,5	2,4	3,0	3,8
в) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга;	2,4	1,7	2,7	3,6	4,4
г) халқ таълимига;	5,0	2,1	2,4	2,7	3,1
д) фан, маданият, санъатга;	10,1	8,4	10,7	11,6	12,8

¹⁷ Умарова З., Халилова И. Мамлакатимизда инвестициявий салоҳиятни оширишда банк тизимининг роли. // Бозор, пул ва кредит. №2.2016 й.-Б. 37.

Таҳлил қилинган барча йилларда инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш мақсадларига ишлатилган. Бироқ бу ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган инвестициялар ва ижтимоий тармоқларга йўналтирилган инвестициялар ўртасидаги нисбатан ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва унинг ўсиши даврида ҳам ўзгариб турган. Жумладан, 2005 йилда ишлаб чиқариш мақсадларидаги инвестицияларнинг улуши 68,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда унинг улуши 66,6 %ни ва 2016 йилда 61,4 %ни ташкил этган. Бу асосан саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг динамикаси учун характерли.

Мазкур тармоқнинг инвестициялардаги улуши 2005-2014 йилларда унинг улуши ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларнинг 70%дан юқори улушини ташкил этмоқда.

Инвестициялар тармоқ таркибининг ўзгариши бўйича келтирилган маълумотларда, уларнинг умумий суммасида қишлоқ хўжалиги улушининг кескин камайиши диққат эътиборни тортади. Республикада 2005-2014 йилларда унинг улуши барқарор 4,3 %ни ташкил этмоқда. Бироқ бугунги кунда ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши 16 %дан кўпроғи тўғри келмоқда. Табiiй-иқлим шароитлари, ерларнинг ва ирригация тизимининг ҳолати, умумий инвестицияларда қишлоқ хўжалиги улушининг кескин оширишни талаб қилади.

Иқтисодий ўсиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасига, уй-жой хўжалиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан ва маданиятга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши ортди. Бу ерда шу нарса муҳимки, инвестицияларнинг қайд қилинган тармоқларда ортиши, инвестициялар реал ҳажмининг кўпайиши шароитида содир бўлди.

Транспорт ва алоқага инвестицион сарфларнинг кўпайиши мазкур тармоқларни реконструкция қилиш, транспорт коммуникацияларини кенгайтириш тақозо этади. Жумладан, бу даврда Қамчиқ девони орқали Тошкент-Қўқон автомобиль ва темирйўл қурилиши, Тошкент – Самарқанд,

ва Самарқанд-Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электр поезда катнови йўлга қўйилиши сабаб бўлди.

Иқтисодий ўсиш даврида инвестицияларда саноат ва қишлоқ хўжалиги сингари тармоқлар улушининг камайиши ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари улушининг ортиб бориши капитал талаб тармоқлардан бундай талаб бўлмаган тармоқларга инвестициялар оқиб ўтиши жараёни ўз ўрнига эга эканлигини англатади.

Бутун иқтисодиёт ва унинг тармоқлари бўйича инвестициялар мутлоқ ҳажми динамикасининг таҳлили катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Шу сабабли ишда миллий иқтисодиёт бўйича бу кўрсаткич белгиланган нархлар индексини ҳисоблаш йўли билан қиёсий нархларда аниқланган. Жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатишича инвестициялар ҳажми барча тармоқлар бўйича таҳлил қилинган. Инвестициялар ҳажми ўсишида барча тадқиқ этилган даврларда ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестициялар улуши ижтимоий соҳа тармоқларига йўналтирилганларига нисбатан юқори даражада эканлигини кузатиш мумкин. 2005-2016 йилларда инвестициялар ҳажми барча тармоқларда барқарор ўсган, бироқ унинг ҳажми турли тармоқларда турли хил даражада ўсган. Энг юқори 2053,6 % ўсиш қурилишга тўғри келади. Иккинчи ўринда саноат 620,4 %ни эгаллайди.

Ижтимоий соҳа тармоқларга йўналалтирилган инвестициялар улушида энг паст даражада ўсиш фан, маданият ва санъатга тўғри келмоқда. Бугунги инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида инновациянинг яратувчи тармоқ бўлган фан, маданият ва санъатга катта ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил қилинган даврда саноатнинг тармоқ таркибида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу аввало давлатнинг мазкур тармоқдаги инвестиция ва таркибий сиёсати билан боғлиқ. Саноатдаги таркибий сиёсатнинг устивор йўналишларидан бири - мустақил давлатга хос бўлган

импортнинг ўрнини қоплай оладиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берган ҳолда амалдаги корхоналарни модернизация қилиш ва техник жихатдан қайта куруллантириш, янги тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш бўлиб қолди.

Саноатга қўйилган инвестицияларнинг тармоқ таркибида ёқилғи-энергетика мажмуаси катта улушни эгаллайди. 2005 йилда унинг ҳиссаси инвестициялар умумий суммасининг 33,9 %дан 2014 йилга келиб 58,3 %гача ўсган. Ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўзида энг катта улушни нефт саноати эгаллайди. Бу Сургил кони базасида полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши ҳисобига рўй берган. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди.

Тадқиқ этилган даврда инвестицияларнинг Республика ҳудудлари бўйича тақсимланишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган. Инвестицияларнинг ҳудудий таркиби шу билан тавсифланадики, уларнинг асосий қисми нисбатан юқори даражада ривожланган Тошкент ва Фарғона иқтисодий ҳудудларига тўғри келади. Уларнинг улушини барча аҳоли сонининг 46,3 %, инвестицияларнинг эса 50,4 % тўғри келган. Айтилиши мумкин, Мирзачўл ҳудуди аҳоли сонига 6,6 %га эга бўлиб ялпи инвестициялардаги ҳиссаси 5,7 %га тўғри келган. Инвестициялар ҳажми 2014 йил 2010 йилга нисбатан Навоий иқтисодий ҳудудидан ташқари барча иқтисодий ҳудудларда бирмунча ўсган. Шу нарса муҳимки, ўртача республика даражасига нисбатан инвестицияларнинг юқорироқ суръатларда ўсиши Оролбўйи ва Мирзачўл иқтисодий ҳудудларида, яъни ривожланиш даражаси нисбатан орқада қолган ҳудудларда кузатилди. Бунинг натижасида мазкур ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларига яқинлашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга сарфланган
инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши 2005-2016 йиллар (%да)

Республика ҳудудлари	2000 йил	2016 йил
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	4,7	11,4
вилоятлар:		
Андижон	4,1	11,4
Бухоро	8,2	9,8
Жиззах	2,4	3,0
Қашқадарё	14,4	11,7
Навоий	7,2	4,6
Наманган	3,4	4,8
Самарқанд	6,4	6,5
Сурхондарё	5,4	4,1
Сирдарё	1,7	2,7
Тошкент	2,6	10,8
Фарғона	5,1	5,8
Хоразм	2,7	3,6
Тошкент ш.	23,4	16,7

Агар 2010 йилда бу кўрсаткич мазкур ҳудудларда ўртача республика кўрсаткичига нисбатан мос равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларининг 61 %, 43 %ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 98 % ва 58 %лик даражага етган. Бу республика миқёсида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмини ўсаётганлигидан далолат беради.

Ҳудудларни инвестициялаш тадқиқотларининг илмий-методик ёндашувларида умумреспублика ва ҳудудий манфаатларини ҳисобга олиш

муҳим ўрин тутди. Ҳудудий манфаатлар, аввало, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослигидан, шунингдек, иқтисодий структураси хусусиятларидан, табиий-иқтисодий салоҳият, ички имкониятлар, молиявий ресурслар ва бошқалардан келиб чиқади.

Ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга умумиқтисодий вазият, тармбқ ва тармоқлараро мураббисликлар, ҳудудий бирликлараро ва ташқи иқтисодий алоқалар бевосита таъсир ўтказади.

Инвестор қидириш, ҳудудий бирликда инвестициялаш учун шароит яратиш муҳим ва ва мураккаб муаммо саналади. Бу муаммо республика миқёсида бўлгани каби ҳудудий бирликлар даражасида ҳам ҳал этилиш лозим.

Ҳудудда инвестиция фаолияти истикболларини баҳолашда молиявий ресурсларга, талаб ва таклиф, мавжуд инвестиция ресурслари манбаларининг ҳажмига, инвестиция жараёни институтларига, инвестиция структурасига, инвестицион иқлим ва инвестицион жозибадорликка таяниш зарур.

Меъёрий-ҳуқуқий база ва макроиқтисодий шароитлар, пул-кредит, бюджет-солиқ, божхона ва амортизация сиёсати инвесторлар учун имтиёз ҳамда кафолатлар тизимини яратиш учун хизмат қилади. Шунингдек, инвестиция жалб қилиш бўйича ҳудудий бирлик даражасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам зарур.

Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар орқали инвестиция сиёсати йўналишларини белгилашда аҳоли даромадлари ва омонатлари, бандлик ва ишсизлик, тураржой билан таъминланганлик, ижтимоий хизматлар оммабоплиғи, сиҳат-саломатлик аҳволи ва таълим даражаси, ривожланган таълим мавжудлиги ҳисобга олиниши лозим. Маҳаллий бюджетларнинг даромадли қисмини инвестицияларнинг ички манбаларига йўналтириш принципиал йўналиш ҳисобланади. Аҳоли омонатларини реал инвестицияга мобилизациялаш ҳам муҳимдир.

Ривожланаётган ҳудудий бирликни инвестицион қўллаб-қувватлашда бандлик даражасини ошириш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш вазифасини бажарувчи донор ва халқаро молия ташкилотлари муайян жой эгаллайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маблағлари инвестициялашнинг муҳим манбаи бўлиши лозим. Жорий ва янги корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш амортизация ажратмалари орқали уларнинг келгуси ривожланишига инвестиция киритишда хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудларига тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар халқаро ҳамкорликнинг бошқа шаклларига нисбатан қатор сезиларли афзалликларга эга. Биринчидан, хорижий заём ва кредитлардан фарқли равишда ташқи қарзга қўшимча тўлов тушмайди, аксинча, уни қайтариш учун маблағ тўплашга имкон беради. Иккинчидан, улар товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга қўйилмалар учун капитал манбаи бўлиб хизмат қилади, янги технологиялар, ноу-хау, бошқарув ва маркетингнинг илғор методлари жалб этилишини таъминлайди. Учинчидан, хорижий технологиялар ҳудудий бирликларни жаҳон иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувнинг халқаро стандартларита яқинлаштиради, маҳаллий хўжаликнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интенсив интеграциясига имкон яратади.

Бу ерда гап шунчаки хорижий капитал ҳақида бормаяпти, балки дунёнинг турли мамлакатларида бошқарув тажрибасига, билимга, иқтисодиётнинг мос секторида улкан тажрибага эга стратегик ҳамкорлар ҳақида сўз юритилмоқда.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш учун прогнозлаштириш мумкин бўлган узоқ муддатли қулай муҳит яратиш талаб этилади. Бу ерда хорижий бизнес мулкчилик ҳуқуқига оид давлат кафолатларига қизиқади.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудларида молиявий ва инвестицион ресурсларни шакллантириш бўйича ёндашутзларци умумлаштириш ва

тизимлаштириш уларни тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг ҳудудий жихатлари киритилиши заруриятини кўрсатади. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан бир қаторда ҳокимиятнинг маҳаллий органлари инвестицион фаолиятини фаоллаштириш имкониятларини ва ички захираларни мобилизациялаш зарур.

**IV Боб. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт фаолияти
хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁸ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

¹⁸ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамізда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб

чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш

штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁹ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

¹⁹ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам

ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поёздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш заҳираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги ғавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зарарли химикатлар мавжудлиғи.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

- 1. Зилзилалар, ер сурилиши;
- 2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
- 3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
- 4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
- 5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
- 6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
- 7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Иштихон туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш

билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсади сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

- мамлакатнинг ўсиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашиш;

- иқтисодий суверенитетни таъминлаш ва иқтисодий устунликлардан имкон қадар самарали фойдаланишга эришиш.

Бу масалаларни ечиш учун катта миқдорда ички ва ташқи инвестициялар жалб этишда, айнан капитал бозоридаги рақобатбардошлик ёки инвестицион рақобатбардошлик, мамлакатнинг инвестицион таъминланганлик даражасини аниқлаш ва инновацион ривожланиш босқичига ўтиш имкониятларини белгилаш муҳимдир. Миллий иқтисодиётда инновацион лойҳаларни молиялаштиришда нафақат давлат, балки хусусий инвесторлар қатнашувини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бундай шароитларда, биринчидан, инновацион ва технологик ривожланишга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилиш, иккинчидан, улардан самарали фойдаланиш шарт ҳисобланади.

Бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда келгусида инвестиция фаоллигини оширишда алоҳида эътибор унинг асосий бўғинларига қаратиш лозим. Уларни ушбу жараёнга жалб этишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмлари такомиллаштирилмоғи лозим. Шу билан бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг барча тоифалари инвестиция субъектлар бошқа тармоқлар билан бевосита ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо этишини назарда тутадиган бўлсак, улар билан инвестиция жараёнлари мутаносиблигини таъмиинлаш бўйича кенг қамровли амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

1. Тараққий этган мамлакатларнинг аксариятида, жумладан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Австралия каби давлатларда иқтисодиётни модернизациялашнинг табиий модели қўлланилиб, уч босқичда амалга ошган. Бу индустлаштиришгача, индустлашган ва ўта индустлашган босқичларда амалга оширилган ва ўзининг энг баланд нуқтасига учинчи босқичга эришган.

2. Иқтисодиётни модернизациялашнинг табиий моделида капитал ва инсон омили мунтазам равишда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтаган. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги ўта индустлашган жамият босқичида инсон капитали ва унинг ақлий тадбиркорлик қобилияти етакчи кучга айланган.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келтириб чиқарган таҳдидларга қарғи Буюк Британияда қабул қилинган иқтисодий ўсиш дастури, Францияда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, Италиядаги ўрта бизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш тажрибасининг айрим элементларидан Ўзбекистон иқтисодиётида самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Тежамкорликка амал қилиш орқали самарали иқтисодий ўсишга эришиб боришда жисмоний ва маънавий эскирган асосий фондлар улушини кескин камайтириш, фойдаланилмаётган асосий воситаларни тугатиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражсини ошириш, маҳсулот бирлигига қилинган сарф-харадатларда ёқилғи ва энергия улушини қисқартириш алоҳида аҳамиятга эга истиқболли йўларидан ҳисобланади.

Мамлакатда қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини янада ошириш мақсадида молиявий ресурсларни жалб этиш орқали қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- вилоятларда инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини янада такомиллаштириш лозим. Бу эса вилоятларда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этиш имкониятларини кенгайтиради, бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига эга талаблари ортишини таъминлайди;

- ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бозор инфратузилмасини (товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозори инфратузилмаси) янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари танловларини эълон қилиш ва унга инвесторларни кўпроқ жалб этиш имкониятини топиш.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган инвестицион сиёсат асосий капитал жамғарилишининг юқори суръатларда ўсиши асносида мамлакатда инвестицияларнинг замонавий бозор тузилмасини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Ушбу давр мобайнида хорижий инвестициялар оқими кескин ошди, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбалари фаоллашди, инвестициялашнинг бозор институтлари янада ривож топди ва йилдан йилга инвестицион иқлим ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яхшиланиб бормоқда.

Бу даврда хорижий капиталдан биринчи навбатда ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилашга қаратилганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2016 йилда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий ҳажмининг катта қисми асосий капиталга инвестициялар сифатида саноат соҳасига (67,7%), транспорт (14,5%), алоқа (8,7%) тармоғига йўналтирилган. Саноат соҳасида

асосий капиталга хорижий инвестицияларнинг катта қисми енгил саноат, газ ва электроэнергетика тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни натижасида барча манбалар ҳисобидан иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга ишлаш корхоналари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу ҳолат пировардида 2030 йилга бориб мамлакатимизда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмини икки мартага ошириш вазифасини тўлиқ ҳал этишга имконият яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
5. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13-сон
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. 12-сон.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш

ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т., 2005. - 88 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.
11. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
12. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
13. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 536 с.
14. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
15. Барулин С.В. Теория и история налогообложения. Учебное пособие. - М.: Экономист, 2009. – 240 с.
16. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
17. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с.
18. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
19. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
20. Вълкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.: Питер, 2004. – 250 с.
21. Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 264 б.
22. Гончаров. А. Прямые и косвенные налоги: поиск оптимальной модели. // Налоги. - 2008. № 6.
23. Есмурзаев Ж.Т. Маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш масалалари // Журнал налогоплательщика. – Т., 2006. -

№7(65) -с.38-40.

24. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004. - 224 б.
25. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011. – 260 с.
26. Зайналов Ж.Р., Қосимова Ф. Солиқлар ва солиққа тортиш. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 324 б.
27. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.
28. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.
29. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2004. – 22 б.
30. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
31. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
32. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
33. Майбуров И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд., перераб. и доп. - М., 2011. – 440 с.
34. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., : Академия, 2002. - 279 б.
35. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва

молия, 2007. - 21 б.

36. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: Молия, 2003. – 160 б.
37. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
38. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 380 с.
39. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М. 1996. – 192 с.
40. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
41. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268 б.
42. Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2003. -230 с.
43. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
44. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
45. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.
46. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
47. Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 128 б.
48. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
49. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 1995. – 180 б.
50. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув

қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 301 б.

51. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.

52. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.

53. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.

54. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013. – 160 б.

55. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т: Ғ.Ғулом, 2000. - 230 б.

56. Журнал ва газеталар:

- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
- Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.

57. Интернет сайтлари:

[http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)